

**АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЎЗБЕК ТИЛИ  
ВА АДАБИЁТИ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ  
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2019.Fil.19.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ  
КЕНГАШ**

---

**АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ  
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЎЗБЕК ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ХОМИДОВА МАХФУЗАХОН ФАРХОДЖОН ҚИЗИ**

**БАДИИЙ МАТН ПЕРЦЕПЦИЯСИДА ИНТЕРТЕКСТУАЛЛИК**

**10.00.01 – Ўзбек тили**

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2021**

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on Philological  
Sciences**

**Оглавление автореферата доктора философии (PhD) по филологическим  
наукам**

<b>Хомидова Махфузахон Фарходжон кизи</b> Бадий матн перцепциясида интертекстуаллик .....	3
<b>Хомидова Махфузахон Фарходжон кизи</b> Интертекстуальность в восприятии художественного текста.....	25
<b>Khomidova Mahfuzakhon Farhodjon kizi</b> Intertextuality in the perception of literary text.....	47
<b>Эълон қилинган ишлар рўйхати</b> Список опубликованных работ List of published works.....	52

**АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЎЗБЕК ТИЛИ  
ВА АДАБИЁТИ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ  
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2019.Fil.19.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ  
КЕНГАШ**

---

**АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ  
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЎЗБЕК ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ХОМИДОВА МАХФУЗАХОН ФАРХОДЖОН ҚИЗИ**

**БАДИИЙ МАТН ПЕРЦЕПЦИЯСИДА ИНТЕРТЕКСТУАЛЛИК**

**10.00.01 – Ўзбек тили**

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2021**

Фалсафа доктори диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестацияси комиссиясида №В2018.3Phd/Fil506 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз(резюме)) илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.navoiy-uni.uz](http://www.navoiy-uni.uz)) ҳамда "Ziyonet" ахборот таълим порталида ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Курбанова Мухаббат Матякубовна**  
филология фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Собиров Абдулхай Шукурович**  
филология фанлари доктори, профессор

**Юсубова Рано Норбоевна**  
филология фанлари доктори, доцент

**Етакчи ташкилот:**

**Фаргона давлат университети**

Диссертация ҳимояси Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети ҳузуридаги DSc.03/30.12.2019.Fil.19.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил "27" 11 соат 10<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100100, Тошкент, Яккасарой тумани, Юсуф Хос Ҳожиб кўчаси, 103. Тел.: (99871) 281-42-44; факс: (99871) 281-42-44, ([www.navoiy-uni.uz](http://www.navoiy-uni.uz)); e-mail: [monitoring@navoiy-uni.uz](mailto:monitoring@navoiy-uni.uz).)

Диссертация билан Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин №145 рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100100, Тошкент, Яккасарой тумани, Юсуф Хос Ҳожиб кўчаси, 103.Тел.: (99871) 281-42-44; факс: (99871) 281-42-44, ([www.navoiy-uni.uz](http://www.navoiy-uni.uz)).

Диссертация автореферати 2021 йил "16" 11 кун тарқатилди.

(2021 йил "16" 11 даги 1 - рақамли реестр баённомаси)



**Ш.С.Сирожиддинов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, филол.ф.д., профессор

**Қ.У.Пардаев**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, филол.ф.д., доцент

**Н.М.Маҳмудов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси, филол.ф.д., профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси

**Тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳонда матн тилшунослиги муаммолари, хусусан, матннинг тузилиши, таркиби, унинг лингвистик хусусиятларига қизиқиш ҳамisha катта бўлган. Бу масалаларга доир кўплаб тадқиқотлар яратилгани ҳолда, энди бевосита матннинг қабул қилиниши, инсон тафаккури ривожда, тил кўникмаларини эгаллашда ҳамда чет тилларини ўзлаштиришдаги аҳамияти ҳақидаги ишларга ҳам эҳтиёж туғилмоқда. Лингвистик тадқиқотларда матн ва унинг идроки масаласи муҳим объект даражасига кўтарилиши янги илмий муаммоларнинг тадқиқига ҳам сабаб бўлмоқда.

Дунё тилшунослигида матнни инсон тафаккури маҳсули сифатида унинг яратувчиси, қабул қилувчиси билан комплекс тарзда ўрганиш психолингвистик, социолингвистик ҳамда прагматингвистик тадқиқотларнинг амалга оширилишига имкон яратди. Матннинг яратилиши, унинг идрок қилиниши, тушунилиши каби масалалар долзарб муаммо сифатида талқин қилинмоқда. Қайд этиш жоизки, бу йўналишда дунё тилшунослиги қатор ютуқларга ҳам эришди. Шу маънода ўзбек бадиий матнининг мазмуний идрок қилиниши, бу жараёнга таъсир қилувчи омиллар, жумладан, интертекстуалликнинг ўрнини очиб бериш назарий ва амалий жиҳатдан ҳал қилиниши муҳим масала сифатида давр талаби бўлиб қолмоқда.

Ўзбек тилшунослигида ҳам дунё тилшунослигининг янги илмий парадигмалари асосида бадиий матн тадқиқи доираси кенгайди, унинг мазмуний идрок қилиниши, китобхон тафаккурини бойитиши ва нутқ маданиятини ошириш каби жараёнларга таъсирини ўрганишга жиддий киришилди. Бадиий матн перцепцияси ва бу жараёнга интертекстуаллик ҳодисасининг таъсирини ўрганиш ҳам бадиий асар таҳлили, матннинг ўзига хослиги, китобхон учун фойдали жиҳатларини аниқлашда долзарб аҳамият касб этади. Зеро, “бугунги глобаллашув даврида ҳар бир халқ, ҳар қайси мустақил давлат ўз миллий манфаатларини таъминлаш, бу борада аввало ўз маданиятини, азалий қадриятларини, она тилини асраб-авайлаш ва ривожлантириш масаласига устувор аҳамият қаратиши табиийдир”<sup>1</sup>. Бадиий матндаги интертекстуал бирликларни аниқлаш, уларнинг мазмуний перцепцияга таъсири масаласини ўрганиш тилнинг янги, лекин тадқиқ қилинмаган жиҳатларини аниқлашга имкон беради. Шу нуқтаи назардан бадиий матн мазмуний идрокига интертекстуал бирликларнинг таъсири илк маротаба монографик планда очиб берилаётганлиги тадқиқотнинг долзарблигини белгилайди. Ўзбек бадиий матнларидаги интертекстуал шакллар аниқланиб, илмий муомалага олиб кирилгани эса мазкур тадқиқотнинг зарурийлигини кўрсатади.

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. М. Мирзиёевнинг “Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” Фармони. Тошкент шаҳри, 2019 йил 21 октябрь.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 13 майдаги ПФ-4797-сон “Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”, 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”, 2019 йил 21 октябрдаги “Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонлари, 2017 йил 17 февралдаги ПҚ-2789-сон “Фанлар академияси фаолияти, илмий тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2017 йил 13 сентябрдаги ПҚ-3271-сон “Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида”ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Диссертация республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни ривожлантириш” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Бадиий матндаги интертекстуаллик тамойили дунё тилшунослиги ва адабиётшунослигида шу пайтгача атрофлича ўрганилган. Илк марта бу атамани фанга француз олимаси Ю. Кристева олиб кирди<sup>2</sup>. Шундан сўнг И. Арнольд, Н. Фатеева, Н. Кузьмина, П. Тороп, Н. Пъеге-Гро, М. Ямпольский<sup>3</sup> каби олимлар унинг назарий асосларини яратди. Интертекстуаллик барча матн турлари доирасида, айниқса, бадиий матндаги интертекстуаллик ҳодисаси жаҳон филологиясида чуқур ўрганилган. Инглиз, немис ва рус бадиий матнларидаги интертекстуал бирликлар тадқиқига бағишланган ишлар салмоғи жуда катта бўлиб, С. Андреева, Ю. Башкатова, Н. Бушманова, М. Булах, Г. Воскресенская, М. Гузь, Е. Землянская, И. Смирнов, Г. Лушникова каби олимлар шу тилларда яратилган бадиий матнлардаги интертекстуаллик

<sup>2</sup> Кристева Ю. Бахтин, слово, диалог и роман. Французская семиотика: От структурализма к постструктурализму. – М., 2000. – С. 427-457. <http://www.philology.ru/literature1/kristeva-00.htm> 05.10.2021. 12:17

<sup>3</sup> Арнольд И. В. Проблемы диалогизма, интертекстуальности и герменевтики (в интерпретации художественного текста) Текст. / И. В. Арнольд. СПб.: «Образование», 1995. – С. 60. Арнольд И. В. Проблемы интертекстуальности Текст. / И. В. Арнольд // Вестник СПбГУ. Сер. 2: История, языкознание, литературоведение. -Вып. 4 (№23), 1992. – С. 53-61. Арнольд И. В. Семантика. Стилистика. Интертекстуальность Текст. / И. В. Арнольд. Сб. ст.; – СПб., 1999. 443 с. Фатеева Н. А. Интертекстуальность и её функции в художественном дискурсе Текст. / Н. А. Фатеева // Известия АН. Сер. литературы и языка, 1997. Т. 56. Кузьмина Н. А. “Интертекст и его роль в процессах эволюции поэтического языка. – Е., 1999. – С.8-10. Тороп П. Х. Проблема интертекста Текст. / П. Х. Тороп // Текст в тексте: труды по знаковым системам; XIV. Учёные записки Тартуского гос. универс. Вып. 567. – Т.: Тарт. ун-т, 1981. – С. 33-44. Ямпольский М. Б. Память Тиресия: интертекстуальность и кинематограф. – М.: Инфра-М, 1993. – С. 408.

ходисасини монографик планда тадқиқ қилганлар<sup>4</sup>. Сўнги йилларда эса бевосита интертекстуалликнинг матн перцепциясига таъсири масаласи хусусида ҳам бир қатор тадқиқотлар амалга оширилди. С. Шейранян, М. Панагиотиду каби тадқиқотчилар интертекстуаллик ва бадиий матн перцепцияси масаласи бўйича илмий изланишлар олиб борган<sup>5</sup>.

Ўзбек тилшунослигида интертекстуаллик муаммоси дастлаб М. Йўлдошевнинг тадқиқотларида учрайди. Олимнинг докторлик диссертациясида интертекстуаллик ҳодисаси, унинг бадиий матн таркибланишидаги ўрни ва ўзбек бадиий матнларида учрайдиган турлари ҳақида маълумот берилган<sup>6</sup>. Д. Худойберганова эса бадиий матннинг антропоцентрик тадқиқига бағишланган докторлик диссертациясида бевосита интертекстуаллик таркибига кирувчи прецедент бирликларнинг лингвокультурологик хусусиятларига урғу берган<sup>7</sup>. З. Салиева ўзбек ва инглиз тилидаги сентенцияларнинг миллий-маданий хусусиятлари қиёси ҳақидаги тадқиқотида бу ҳодисани интертекстуалликнинг бир кўриниши сифатида баҳолаган<sup>8</sup>. Д. Анданиёзова “Бадиий матнда ономастик бирликлар лингвопоэтикаси” номли филология фанлари бўйича фалсафа доктори диссертациясида интертекстуалликнинг бир тури бўлган аллюзив номларнинг хусусиятлари ҳақида фикр юритган<sup>9</sup>. Таржимашунос, адабиётшунос олим М. Холбековнинг ҳам интертекстуаллик юзасидан бир қанча мақолалари эълон қилинган<sup>10</sup>. Матн мазмуний идроки муаммоси эса И. Азимованинг номзодлик диссертацияда газета матнлари мисолида тадқиқ

---

<sup>4</sup> Андреева С. Библиейские реминисценции как фактор текстообразования (на материале произведений И.А. Бунина «Тень птицы», «Окаянные дни», «Миссия русской эмиграции») Текст. / С. Андреева: автореф. дис. канд. филол. наук. – М., 1998. – С.16. Башкатова Ю. А. Лингвистические особенности описаний портрета в интертекстуальном аспекте (на материале английской литературы XVIII -XX вв.) Текст. / Ю. А. Башкатова: дис. канд. фил. наук. – К., 2003. – С. 188. Булах М. И. Цитата как лингвистическое явление немецкой научной прозы Текст. / М.И. Булах: автореф. дис. канд. филол. наук. – К., 1978. – С.16. Бушманова Н. И. Проблемы интертекста в литературе английского модернизма (проза Д.Х. Лоренса и В. Вульф) Текст. / Н.И. Бушманова: дис. д-ра филол. наук. – М., 1996. – С. 401. Воскресенская Е. Г. Интертекстуальные включения в произведениях И. Во Текст. / Е.Г. Воскресенская: автореф. дис. канд. филол. наук. – Б., 2004. – С. 18. Гузь М. Н. Интертекстуальные связи базисного текста и текста пародии (на материале немецкой прозаической пародии) Текст. / М. Н. Гузь: дисс. канд. фил. наук. – СПб., 1997. – С.195. Землянская Е. В. Структурно-семантические и функциональные особенности стилиевой интертекстуальности в англоязычном афоризме Текст. / Е. В. Землянская: дис. канд. фил. наук. – СПб, 2004. – С. 209. Лушникова Г. И. Интертекстуальность художественного произведения Текст. / Г.И. Лушникова. Учеб. пособие. Кемерово: - КемГУ, 1995. – С. 82. Смирнов И. П. Порождение интертекста. Элементы интертекстуального анализа с примерами из творчества Б. Пастернака Текст. / И. П. Смирнов. 2-е изд. – СПб, 1995. – С.189.

<sup>5</sup> Шейранян С. З. Значение эпиграфа для понимания художественного смысла текстового целого. Национальный университет архитектуры и строительства Армении. Вестник РУДН, серия Вопросы образования: языки и специальность, 2016, № 1. Panagiotidou Maria-Eireini. (2012) Intertextuality and literary reading: a cognitive poetic approach. PhD thesis, University of Nottingham. <http://eprints.nottingham.ac.uk/14310/01.10.2020.14:55>.

<sup>6</sup> Йўлдошев М. Бадиий матннинг лингвопоэтик тадқиқи. Фил. фан. доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. – Т., 2010. – Б. 128.

<sup>7</sup> Худойберганова Д. Бадиий матннинг антропоцентрик тадқиқи. Фил. фан. доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. – Т., 2010. – Б. 129-154.

<sup>8</sup> Салиева З. Концептуальная значимость и национально-культурная специфика сенцентии в английском и узбекском языках: Автореф.дисс. кан. филол. наук. – Т., 2010.

<sup>9</sup> Анданиёзова Д. Бадиий матнда ономастик бирликлар лингвопоэтикаси. Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. – Т., 2017. – Б. 48.

<sup>10</sup> Холбеков М. Матн, интерматн ва интерматнлик // Ўзбек тили ва адабиёти. – Т., 2013. – № 6.

қилинган<sup>11</sup>. Олима ўз тадқиқотида матн мазмуний перцепциясининг йўналишлари ҳақида тўлиқ маълумот бериб, газета матнларининг психолингвистик перцепцияси масаласини монографик планда ўрганган. Д. Худойберганова ҳам матн мазмуний перцепциясининг хусусиятлари ҳақида “Бадиий матннинг антропоцентриқ тадқиқи” номли докторлик диссертациясида батафсил тўхталган<sup>12</sup>.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режаси билан боғлиқлиги.** Диссертация Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети илмий-тадқиқот режасига мувофиқ “Тилнинг ижтимоий, тарихий ва замонавий тараққиёти” мавзуси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** интертекстуаллик ходисасининг бадиий матндаги ролини белгилаш, бадиий матннинг мазмуний идрокида интертекстуал матнларнинг ўрнини очиқ беришдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

интертекстуаллик ҳақидаги дунё ва ўзбек тилшунослигида мавжуд назарий қарашларни умумийлаштириш ва асослаш;

интертекст ва интертекстуалликнинг хос хусусиятларини очиқ бериш;

ўзбек бадиий матнларида учрайдиган интертекст турларини аниқлаш ва уларни манбалари асосида тасниф қилиш;

замонавий тилшунослиқдаги матн мазмуний идроки хусусидаги қарашлар асосида бадиий матн перцепциянинг ўзига хос жиҳатларини ва бу жараёнда интертекстуалликнинг ўрнини аниқлаш;

бадиий матндаги интертекстуал воситаларнинг асосий вазифаларини асослаш;

бадиий матн перцепциясида эпиграф, сарлавҳа, аллюзия, иқтибос каби интертекст турларининг ролини исботлашдан иборат.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида ўзбек ижодкорлари томонидан яратилган насрий ва шеърӣ матнлардаги интертекстуаллик танланган.

**Тадқиқотнинг предмети**ни ўзбек бадиий матнларидаги аллюзия, эпиграф, иқтибос, сарлавҳа каби интертекстуал бирликлар ташкил этади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертация мавзусини ёритишда тавсифлаш, таснифлаш, ассоциатив, компонент ва контекстуал таҳлил методларидан фойдаланилди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

ўзбек бадиий матнларида учрайдиган интертекстуал бирликларнинг манбалари аниқланган ва улар асосида интертекстуалликнинг шаклий жиҳатдан турлари ажратилган ва бадиий матн перцепциясида *эпиграф, сарлавҳа, аллюзия, иқтибос* каби интертекст турларининг роли ва аҳамияти тажриба натижаларига кўра исботланган;

<sup>11</sup> Азимова И. Ўзбек газета матнлари мазмуний перцепциясининг психолингвистик тадқиқи. Фил. фан. номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. – Т., 2010. – Б. 119.

<sup>12</sup> Худойберганова Д. Бадиий матннинг антропоцентриқ тадқиқи. Фил. фан. доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. – Т., 2010. – Б. 103-119.

интертекстуаллик ҳақида дунё ва ўзбек тилшунослигидаги мавжуд назарий қарашлар натижасидан олинган хулосалар асосида интертекст ва интертекстуалликнинг алоҳида термин эканлиги, интертекст бадиий матннинг интертекстуаллигини ҳосил қилувчи восита вазифасини бажариши ва унинг ўзига хос жиҳатлари мисоллар ёрдамида очиб берилган;

замонавий тилшуносликдаги матн мазмуний идроки хусусидаги қарашлар асосида бадиий матн перцепциясига интертекстуаллик, шунингдек, фон билимларининг таъсир қилувчи, йўналтирувчи, маълумот берувчи каби жиҳатларининг таъсири бадиий матнлардан олинган мисоллар асосида аниқланган;

интертекстуал матнларнинг *ахборот берувчи, йўналтирувчи, эстетик таъсир қилиш, миллий-маданий семаларни ташиш, конструктивлик* каби вазифалари бадиий матнлардан олинган мисоллар ёрдамида асосланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

дунё ва ўзбек тилшунослигидаги интертекстуаллик ҳақида мавжуд назарий қарашларнинг батафсил таҳлили асосида чиқарилган хулосалар бадиий матнда интертекстуалликнинг ролини очиб беришга хизмат қилиши илмий-назарий жиҳатдан асосланган;

интертекстнинг алоҳида матний бирлик эканлиги мавжуд назарий қарашлар ва бадиий матнлардан олинган мисоллар ёрдамида тадқиқ қилинган;

ўзбек бадиий матнларида учрайдиган интертекстуал матнларнинг манбалари асосланган, уларнинг шаклига кўра турлари белгиланган ҳамда интертекстуалликнинг бадиий матндаги вазифалари мисоллар ёрдамида очиб берилган;

бадиий матн мазмуний перцепциясида эпиграф, сарлавҳа, аллюзия, иқтибос каби интертекст турларининг ўрни ўтказилган тажриба натижаларига кўра аниқланган, бу натижалар матннинг прагматик, психолингвистик, лингвомаданий таҳлили учун асос бўлиши аниқланган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** муаммонинг аниқ қўйилгани, бадиий матн перцепциясида интертекстуалликнинг ўрни юзасидан чиқарилган хулосаларнинг тажриба натижаларига асосланганлиги, мисолларнинг аниқ манбалардан олинганлиги, республика ва халқаро илмий конференция материаллари тўпламлари, хориж ва республика илмий журналларида чоп этилган мақолалар, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётда жорий этилгани, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқлангани билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти чиқарилган назарий хулосалар ҳозирги кунда тилшуносликда долзарб ҳисобланган матн тилшунослиги, прагматингвистика, психолингвистика масалалари юзасидан мавжуд илмий-назарий маълумотларни кенгайтириши ва тўлдириш билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, олинган хулосалар бадиий матнни ўрганиш ва таҳлил қилишда, тил ўзлаштиришда

ва бадий матн таржимасида муҳим манба бўлиши, тадқиқот натижаларидан олий ўқув юртлари учун “Матн тилшунослиги”, “Лингвокультурология”, “Прагмалингвистика”, “Психоллингвистика “Таржима назарияси ва амалиёти” “Бадий таҳлил асослари” каби фанлардан ўқув қўлланма ва дарсликлар тайёрлашда, маъруза ва семинар машғулоти мазмунини бойитишда, магистрлик диссертациялари ёзишда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Бадий матн перцепциясига интертекстуал матнларнинг тадқиқи бўйича олинган илмий натижалар асосида:

интертекстуал матнларнинг турлари ва уларнинг тажрибавий таҳлили натижалари ва бадий матнларни ўзбек тилидан хорижий тилларга таржима қилишга доир илмий хулосалардан “Project № 598340-EPP-1-2018-1-ES-EPPKA2-CBHE-JP University Cooperation Framework for Knowledge Transfer in Central Asia and China (UNICAC)” мавзусидаги хорижий лойиҳада фойдаланилган. (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 29 декабрдаги 89-03-5598-сон маълумотномаси). Натижада инглиз тилидаги йўриқнома, қўлланма ва тарқатма материалларни ўзбек тилига ўгиришда ҳамда онлайн курсларни ташкил этишда бадий матндаги интертекстуал бирликлардан кенг фойдаланиш имконияти яратилган;

ўзбек бадий матнларидаги интертекстуалликнинг бадий таржима жараёнидаги ўрнини изоҳлашда, иқтибос, аллюзия, прецедент бирликларнинг инсон ташқи қиёфасини тасвирлашдаги аҳамиятини ёритишда, бадий матн мазмуний идроки ва таржимасида интертекстуал бирликларнинг хусусиятларини изоҳлашга оид илмий хулосалардан I-OT-2019-42 рақамли “Ўзбек ва инглиз тилларининг электрон (инсон қиёфаси, феъл-атвори, табиат ва миллий тимсоллар тасвири) поэтик луғатини яратиш” (2020-2021) мавзусидаги амалий лойиҳанинг назарий қисмида фойдаланилган (Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетининг 2021 йил 12 апрелдаги 04/1-632-сон маълумотномаси). Натижада электрон луғат материалларида интертекстуал бирликларнинг нисбати белгиланган, лойиҳа материаллари янги илмий манба ва қарашлар билан бойиган;

бадий матндаги интертекстуаллик турлари, хусусан, фолкълор намуналари бўлган халқ кўшиқлари, мақол ва маталларнинг интертекст сифатида қўлланилиши ҳақидаги илмий-назарий хулосалардан ФА-Ф1-ГОО6 рақамли “Қорақолпоқ халқ кўшиқлари кўлөзма нусхаларини текстологик таҳлил қилиш ва нашрга тайёрлаш (3-жилд)” мавзусидаги (2015-2017) амалий лойиҳанинг назарий қисмида фойдаланилган. (Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Қорақалпоғистон бўлимининг 2021 йил 20 августдаги 17.01/196-сон маълумотномаси). Натижада халқ кўшиқлари, мақол ва маталларнинг бадий матнни шакллантирувчи асосий воситаларидан бири эканлигини илмий асослаш ва тасдиқлаш, уларнинг

қисмлари интертекст сифатида бадиий матнларда кенг учраши, бу орқали уларни текстологик таҳлил қилишнинг қиймати ошиши ҳақидаги доир илмий хулосалар билан бойишига асос бўлган;

тадқиқот натижалари асосида ёзилган “Ali Şir Nevai nin Lisanüt Taур Destanında Metinlerarası İlişkiler” мавзусидаги мақоладан Анқара Университети “Тил ва тарих-география” факультети талабаларига дарс ўтиш жараёнида фойдаланилган (Анқара Университети “Тил ва тарих-география” факультети, Чоғдош турк лаҳчалари бўлими профессори Айнур Ўз Ўзжаннинг 2020 йил 11 октябрдаги 23-сон маълумотномаси). Натижада Анқара Университети “Тил ва тарих-география” факультети Чоғдош турк лаҳчалари бўлими талабаларига ўзбек тили ва бадиий матнларининг ўзига хос хусусиятларини тушунтиришда, амалий машғулотлар олиб боришда муҳим манба бўлиб хизмат қилган;

Алишер Навоийнинг ғазал ва рубоийларидаги интертекстуал бирликлар таҳлили бўйича олинган натижаларга оид илмий маълумотлардан Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси “Ўзбекистон” телерадиоканалининг “Миллат ва маънавият ” радиоэшиттиришида фойдаланилган (Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси “Ўзбекистон” телерадиоканалининг 2021 йил 13 апрелдаги 04-25-557-сон маълумотномаси). Натижада ушбу эшиттириш учун тайёрланган материалларнинг мазмуни мукаммаллашган, маънавий-маърифий қиймати такомиллашган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 7 та халқаро, 11 та республика илмий-амалий анжуманида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича 23 та илмий иш, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 4 та илмий мақола, жумладан 3 таси республика ҳамда 1 таси хорижий журналларда нашр қилинган.

**Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши.** Диссертация кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловадан ташкил топган. Ишнинг умумий ҳажми 151 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги асосланган, муаммонинг ўрганилиш даражаси, тадқиқот мавзуси бўйича хорижий ва юртимиз адабиётлари шарҳи амалга оширилган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети аниқланган, тадқиқотда фойдаланилган методлар кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янглиги ва амалий аҳамияти баён қилинган, олинган натижаларнинг

ишончилиги асосланган, натижаларнинг амалиётга жорий қилиниши, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Интертекстуалликнинг назарий асослари”** номли биринчи боби икки фаслдан иборат. *“Интертекстуаллик ва унинг ўрганилиши”* деб аталган биринчи фаслида интертекстуаллик атамасининг фанга киритилиши, унинг моҳияти, ўзига хос хусусиятлари ва дунё ҳамда ўзбек тилшунослигидаги тадқиқи масалалари ёритилади. XX аср гуманитар билимнинг турли соҳалари, биринчи навбатда, тилшунослик ва адабиётшуносликда ҳар томонлама кўриб чиқилган, айти пайтда, комплекс тадқиқот, чуқур ва кенг таҳлил жараёнида ҳал этувчи аҳамиятга эга бўлган тушунчалардан бири бу, сўзсиз, *интертекстуалликдир*<sup>13</sup>. Интертекстуаллик француз олимаси Ю. Кристева томонидан 1967 йилда илмий муомалага киритилди. Унинг *“Бахтин, сўз, диалог ва роман”*<sup>14</sup> номли илмий рисоласида илк бор бу атама қўлланган ва интертекстуаллик ҳодисасига таъриф берилган. Олима интертекстуаллик ҳодисаси асосан илмий ва бадиий матнда учрашини таъкидлаб, кўпроқ бадиий матндаги интертекстуаллик тамойилига урғу беради. Интертекстуаллик бу – асосий матн маъносининг бошқа матн орқали шаклланишидир. Интертекстуаллик назарийчиларидан бири Н. Пъеге-Гро *“Интертекстуаллик назариясига кириш”* асарида француз олими Лабруернинг қуйидаги фикрларини келтиради:

“Ҳамма нарса аллақачон айтиб бўлинган, биз шунчаки кеч туғилдик. Чунки одамлар етти минг йилдан кўпроқ вақт давомида ер юзида яшаб, ўйлашади”<sup>15</sup>. Бу фикрлар бевосита матн назарияси, унинг таркибланиши билан ҳам боғлиқ бўлиб, айти матнларнинг интертекстуаллигига ишорадир.

*Интертекстуалликнинг* луғавий маъноси шуки, *интер* – *ўртасида, орасида, текст* – *матн*, яъни матн ичида бошқа матн келишидир. Матнлар орасида нафақат яхлит бутун матн, балки унинг парчаси (ҳавола) ёки унга ишора қилувчи бирликлар (аллюзия) учраши мумкин. Мана шу ҳодиса дунё илм-фанида бугун интертекстуаллик атамаси остида тадқиқ қилинмоқда.

Рус файласуфи ва филологи, Нью-Йорк университети профессори М. Ямпольскийнинг таъкидлашича, интертекстуаллик назарияси қуйидаги уч манбага асосланади:

1. *Й. Н. Тиньяновнинг пародия назарияси*. Тиньянов интертекстуалликнинг келиб чиқишини бадиий адабиётдаги пародия жанри билан боғлайди.

2. *М. М. Бахтиннинг матн полифонияси назарияси*. Бахтин ҳар қандай матн ўзаро диалогик муносабатлардан ташкил топиши ва “кўп овозлилик” назариясини илгари суради.

3. *Ф. Де. Соссюрнинг анаграмма назарияси*. Бунда ҳарфларнинг алмашилишида янги сўз ясалиши муҳим бўлиб, матнга ҳам шу хусусият хос деб қаралади. Олдин яратилган, аввалдан маълум матнлар янги матн таркибида

<sup>13</sup> Холбеков М. Матн, интерматн ва интерматнлик // Ўзбек тили ва адабиёти журнали. – Т., 2013. – № 6.

<sup>14</sup> Кристева Ю. Бахтин, слово, диалог и роман. Французская семиотика: От структурализма к постструктурализму. – М., 2000. – С. 427- 457. <http://www.philology.ru/literature1/kristeva-00.htm> 05.10.2021. 12:17 .

<sup>15</sup> Пъеге-Гро Н. Введение в теорию интертекстуальности. – М.: ЛКИ, 2008. – С. 7.

келиб унга янгича мазмун бағишлайди.

Рус филологи Н. Кузьмина ҳам интертекстуаллик терминини фанга дастлаб француз постструктурализи вакиллари олиб кирганлигини таъкидлайди. Аммо унинг генезисига назар солиб, интертекстуаллик айнан биринчи марта рус тилшунослик анъаналарида пайдо бўлганини қайд этади. Рус олими А. Потембининг таъкидлашича, тил инсонларга дунёни билишда ёрдам беради. Бунда эса бевосита поэтик образлар муҳим ўрин тутаяди. Инсониятга аввалдан маълум бўлган афсона ва мифлар, мақол, маталлар уларнинг онгида алоҳида поэтик образ сифатида шаклланган бўлади. Матн ичида уларнинг интертекст сифатида келиши эса кишининг лисоний хотирасига таъсир қилиб, матн мазмуний идрокни қулайлаштиради. Н. Кузьмина унинг шу фикрларига асосланиб, интертекстуалликнинг назарий илдизини рус тилшунослигига боғлайди<sup>16</sup>. Бу каби қарашлар интертекстуаллик ҳодисасининг фанда пайдо бўлиш тарихи жуда узокқа бориб тақалишини, аммо муайян илмий муаммо сифатида XX асрда ўрганила бошланганлигини англатади. Кейинги йилларда филология илмида интертекст ҳамда матнда интертекстуаллик категориясининг намоён бўлишига бағишланган тадқиқотлар сони кўпайди. Бу тадқиқотларда асосан интертекстуаллик иккита ёндашув: *муаллиф* ва *ўқувчи* нуктаи назари асосида ўрганилмоқда. Жаҳон тилшунослигида интертекстуаллик назарияси бўйича монография, дарслик ва ўқув қўлланмалар яратилмоқда. Диссертацияда интертекстуалликнинг дунё олимлари томонидан тадқиқ қилиниши атрофлича таҳлил этилди.

Интертекстуаллик муаммосини ўрганган кўплаб олимлар унинг аксарият ҳолларда бадиий адабиёт доирасида амал қилишини таъкидлайдилар, аммо интертекстуаллик фақат бадиий матнда эмас, балки *илмий*, *публицистик*, *сиёсий дискурсда*, шунингдек, *реклама*, *кинометография* соҳасида ҳам ўз ўрнига эга. Бундан хулоса қилиш мумкинки, интертекстуаллик барча матнларга хос универсал семиотик ҳодиса ҳисобланади. Интертекстуаллик матний бирлик сифатида бадиий матнда турли шаклларда намоён бўлади. Масалан, *иқтибос*, *аллюзия*, *реминисценция* каби кўринишларда учрайди.

Ўзбек бадиий адабиёти учун интертекстуаллик ҳодисаси янгилик эмас. Мумтоз адабиётимиздаги *ирсоли масал*, *талмеҳ*, *тазмин*, *назира* каби бадиий санъат турлари интертекстуалликнинг айни ўзидир. Уларнинг бадиий матндаги вазифаси ва шакли интертекстуаллик тушунчасига, унинг моҳиятига деярли мос келади.

Интертекстуаллик юзасидан ўзбек тилшунослиги ва адабиётшунослигида ҳам муайян илмий изланишлар олиб борилмоқда. Жумладан, М. Йўлдошевнинг “Бадиий матннинг лингвопоэтик тадқиқи” мавзусидаги докторлик диссертациясининг бир фасли “*Бадиий матннинг мазмуний турлари ва интертекстуаллик*” деб номланган. Олим ўз тадқиқотида

---

<sup>16</sup> Кузьмина Н. А. Интертекст и его роль в процессах эволюции поэтического языка. – Е., 1999. – С. 8-10.

интертекстуаллик бадий матннинг таркибланишидаги муҳим нуқталардан бири эканлигини қайд этади.

Д. Худойберганованинг “Бадий матннинг антропоцентриқ тадқиқи” номли докторлик диссертациясида ҳам интертекстуаллик хусусидаги айрим фикрлар мавжуд. Олима диссертацияда прецедент матнларни интертекстуалликни ҳосил қилувчи асосий бирликлар сифатида баҳолайди<sup>17</sup>.

Умуман, интертекстуалликнинг дунё ва ўзбек илм-фанида ўрганилиши давом этмоқда ва бу матн тилшунослиги, психоллингвистика, лингвокультурология, прагматлингвистика каби амалий тилшунослик йўналишлари учун зарур илмий натижаларни бериши шубҳасиз.

Бобнинг “*Интертекст ва унинг турлари*” деб номланган иккинчи фаслида интертекст ва интертекстуаллик атамаларининг фарқланиши, интертекстни шакллантирувчи манбалар ва унинг турлари, таснифланишидаги фарқли ва ўхшашлиги каби масалалар ёритилган.

Бадий матнда интертекст сифатида *муқаддас китоблардан парчалар, афсона, ривоят, ҳадис, афоризмлар, бошқа бир ёзувчининг асаридан парча, мақол, матал* кабилар кенг қўлланади. Интертекстлар ўз навбатида миллий-ментал хусусиятларга эга бўлади. Бадий матн муаллифи кўпроқ интертекст сифатида халқ ичида машҳур бўлган асардан парча ёхуд халқнинг миллий хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда фолкълор намуналаридан фойдаланади. Интертекст сифатида берилган матн ёки унинг парчаси аллақачон ўқувчининг лисоний хотирасидан ўрин олган бўлади. Ёзувчи Улуғбек Ҳамдамнинг “Сабо ва Самандар” романидан олинган кўйидаги парчага эътиборимизни қаратамиз: “*Бечора қиз шу кетганича университет биносидан ҳам чиқиб кетди. Қолган дарсларини ўйлаб ҳам ўтирмади. Ўйлайдиган алпозда ҳам эмасди. Чунки...чунки...чунки...ҳаммаси ошкор бўлибди!...“Сир деб сақлагани” аллақачон унинг юрагида дoston бўлибди!*”<sup>18</sup>. Бу ерда Абдулҳамид Чўлпоннинг машҳур шеърдан олинган сатрлар интертекст сифатида айнан, ўзгаришсиз, иқтибос ҳолида берилиб, қаҳрамон қизнинг руҳий ҳолатини образлироқ ифодалаш мақсадида қўлланилган. Бу жараёнда шеърнинг тўлиқ матни ҳам қайта тикланиш хусусиятига эга бўлиб, асосий матннинг бадий-эстетик таъсирини кучайтиради.

Интертекстуаллик ва интертекст атамалари бир-биридан фарқ қилиб, интертекст матн таркибида келувчи, уни *семантик ва структур, коммуникатив* жиҳатдан шакллантирувчи матний бирликдир. Интертекст битта матннинг бошқаси билан ўзаро алоқаси, матнларнинг диалогик ўзаро таъсиридир. *Интертекстуаллик* эса бевосита шу жараёнининг номланишидир.

Интертекстнинг таснифи жуда муаммоли бўлиб, диссертацияда уларнинг ҳар бири тўғрисида батафсил маълумот берилган ва таҳлил

<sup>17</sup> Худойберганова Д. Бадий матннинг антропоцентриқ тадқиқи. Фил. фан. доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. – Т., 2010. – Б. 129-154.

<sup>18</sup> Hamdam U. Sabo va Samandar. – Т., Ўзбекистон, 2011. – Б. 93.

қилинган. Ўзбек бадиий матнларида учрайдиган интертекстлар эса шаклий жиҳатдан қуйидагича таснифланди: *аллюзия, реминисценция, эпиграф, сарлавҳа, иқтибос (ҳавола, цитата)*. Интертекст сифатида ўзбек бадиий матнларида бу шакллар фаол учрайди ва айнан улар интертекстуалликнинг барча хусусиятларини ўзида мужассамлаштиради.

Тадқиқотнинг “**Бадиий матн мазмуний идроки ва интертекстуаллик**” деб номланган иккинчи бобида замонавий тилшуносликдаги матн перцепциясининг ўзига хос жиҳатлари, интертекстуалликнинг бадиий матндаги вазифалари ва мазмуний идрокидаги роли таҳлил қилинган. Бобнинг биринчи фасли “*Замонавий тилшуносликда матнни тушуниш ва қабул қилиш муаммоси*” га қаратилган. Тушуниш аслида фанлараро муаммо саналади. Матнни тушуниш, талқин қилиш юзасидан дунё илм-фанида кўплаб тадқиқотлар амалга оширилган. Бунинг натижасида матннинг талқини билан шуғулланувчи алоҳида фан – *герменевтика* пайдо бўлди. Адабиёт ва фалсафа илмида матнларнинг тушунилиши шу фан назарияларига боғлиқ ҳолда ўрганилсада, бугун қатор тилшунослик йўналишлари бу муаммонинг лингвистик жиҳати, матннинг инсон тафаккури ва онгига таъсири масаласини тадқиқ қилмоқда.

И. Арнольд матн яратувчиси ва уни қабул қилувчининг дунёқараши ўзаро мулоқотга киришиш орқали матнни тушуниш амалга ошишини таъкидлайди: “Матнни тушуниш бу – матн таркиби ва уни қабул қилувчининг тезауруси билан ўзаро таъсири орқали матннинг маъносини тушунишдир. Бу матн маълумотларини маънавий ўзлаштириш, бу онглар мулоқотидир”<sup>19</sup>. Бу ҳақда Д. Худойберганова ҳам шунга ўхшаш фикрларни қайд этади: “Матн мазмунининг шаклланиши уни яратувчи шахснинг когнитив ва коммуникатив қобиляти билан боғлиқ бўлгани каби, уни қабул қилиш, идрок этиш ҳам реципиентнинг айни шундай қобилятига боғлиқдир”<sup>20</sup>. Биз ҳам матннинг қабул қилиниши борасидаги бу фикрларни қўллаб-қувватлаймиз. Чунки ҳар қандай матн яратилишида, албатта, уни қабул қилувчи томон мавжудлиги, матн орқали муаллиф ва ўқувчининг тафаккури ўзаро мулоқотга киришуви асосий мақсад қилиб қўйилади. Оддий мисол келтирамиз: шоирнинг оний ҳис-туйғулари тасвирланган тўрт мисрали шеърини матн ҳам маълум мақсад, шу кайфиятни ким биландир бўлишиш эҳтиёжи натижасида пайдо бўлади, яъни ҳар қандай матн бевосита муайян адресантга қаратилгандир.

Бугун матнни тушуниш ва уни идрок қилиш масаласи дунё тилшунослигида бир қанча тадқиқот йўналишлари асосида амалга оширилмоқда. Буларнинг асосийлари сифатида квантиатив, когнитив, психологик ва психолингвистик йўналишларни ажратиб кўрсатиш

<sup>19</sup> Арнольд И. В. Стилистика современного английского языка (Стилистика декодирования): Учебное пособие, – М.: Просвещение, 1990. – С. 6.

<sup>20</sup> Худойберганова Д. Бадиий матннинг антропоцентриқ тадқиқи. Фил. фан. доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. – Т., 2010. – Б.129-154.

мумкин»<sup>21</sup>. Бу йўналишларда матннинг мазмуний перцепциясига таъсир қилувчи омиллар ва адресантнинг бу жараёндаги ўрни ўзига хосликка эга. Матн перцепциясига когнитив ёндашув матнни дискурснинг ташкилий қисми сифатида таърифлайди. Инсон бирор матнни ўқир экан, шу матн мавзусига алоқадор бўлган билимлари фаоллашади ва шу асосда матнни тушуна олади. Когнитив йўналиш вакиллари матннинг мазмуний структурасига кўпроқ эътибор қаратадилар. Таҳлил матний база, вазият модели, дунё ҳақидаги билим каби тушунчалар асосида амалга оширилади<sup>22</sup>. Айни шу ёндашув матндаги интертекстуал элементларни ҳам таҳлил қилиш имконини беради. Чунки интертекстуал матнлар бевосита ўқувчининг когнитив билимлари фаоллашувини, уларни жорий матнга боғлай олиш малакасини талаб қилади. Матнни идрок этиш бу – шахснинг нутқ-фикрлаш фаолиятининг жараёни ва натижасидир. Н. Валгина матнни идрок этиш бир неча даражаларга ажратади: дастлаб ўқувчи матннинг рамзий шаклини олади, сўнгра баённинг маъносини тушуниш даражасига, ундан матнни ажралмас сифатида қабул қилиш даражасига ўтади<sup>23</sup>.

Матн ўқувчи учун белгилар кетма-кетлиги, яъни ҳарф, сўз бирикмаси ва гапдан иборатдир. Бу ташқи белгилар уларнинг психик образлари – ички белгилар билан, яъни маънолари билан бир-бирига чамбарчас боғлиқ<sup>24</sup>. Бу, айниқса, бадий матнда яққол кўринади. Чунки илмий, расмий, публицистик матн турларидан фарқли равишда бадий матнда муайян тил бирлиги эксплицит маъносидан ташқари ўзида имплицит мазмунларни ҳам сақлайди. Тарихий, маданий, когнитив билимларнинг ҳаммаси бадий матн таркибида жамланган тарзда, аксарият ҳолларда имплицит шаклда берилади.

Матн мазмуний идрокига *шахс ва матний омил* муҳим таъсир ўтказади. Матнни тушуниш нафақат интеллектуал жараён, балки инсоннинг ҳиссий етуклиги билан ҳам чамбарчас боғлиқдир. Гап шундаки, фикрлаш фаолияти одамга улкан ҳиссий завқ бағишлайди. Айниқса, бу бадий матнни мазмуний идрок қилишда энг муҳим жиҳатлардан бири саналади.

Шу ўринда айтиш мумкинки, дунёдаги барча одамлар ҳам интеллектуал, ҳам психологик-ҳиссий жиҳатдан бир-бирини умуман такрорламайди. Бир ижтимоий ёки маданий мақомдаги инсонларнинг ҳам дунёқараши, ўз ҳаётий позицияси мавжуд бўлади. Шу боис ҳам бирорта ўқувчи матн яратувчиси томонидан берилган маъноларни, мазмунни мутлақо идрок эта олиш қобилиятига, имкониятига эга эмас.

Матнларнинг мазмуний идрокига таъсир қилувчи иккинчи бош омил бу – *матний омиллардир*. Матнни мазмуний идрок этишнинг самарадорлиги кўп жиҳатдан матннинг ўзига хос хусусиятларига боғлиқ. Ушбу хусусиятлар орасида матн мазмунининг ўқувчининг қизиқиши ва

<sup>21</sup> Азимова И. Ўзбек тилидаги газета матнлари мазмуний перцепциясининг психолингвистик тадқиқи. Монография. –Т.: “Навоий университети” нашриёт матбаа уйи, 2019. – Б. 24.

<sup>22</sup> Азимова И. Ўзбек тилидаги газета матнлари мазмуний перцепциясининг психолингвистик тадқиқи. Монография. – Т.: “Навоий университети” нашриёт матбаа уйи, 2019. – Б. 25.

<sup>23</sup> Валгина Н. С. Теория текста: Учебное пособие. – М.: Логос, 2003. – С. 206.

<sup>24</sup> Новиков Л. А. Искусство слова. – М.: «Педагогика», 1991. – С. 25.

эҳтиёжларига яқинлиги, мазмун сифати ва матннинг мураккаб-осонлиги жуда катта аҳамиятга эга ҳисобланади. Бошқача қилиб айтганда, бадиий матнни мазмуний идрок этиш жараёнида ўқувчи уни уч жиҳатига кўра баҳолайди:

*биринчи жиҳат* ушбу матннинг моддий роли, унинг фойдали даражаси ва ундан амалиётда фойдаланиш қобилияти билан боғлиқ;

*иккинчи жиҳат* ўқувчи биладиган воқеликнинг матн таркибига мувофиқлиги даражаси билан боғлиқ;

*учинчи жиҳат* эса матн яратувчисининг мукамаллиги, маҳорати ва профессионаллиги билан боғлиқ.

Бобнинг иккинчи фаслида “*Интертекстуалликнинг бадиий матндаги вазифаси*” атрофлича ёритилган. Бадиий асарда тасвирланган воқеликни чинакам бадиий ва ишончли тасвирлаш муаллифда нафақат тегишли тил билими, яъни лингвистик қобилиятига эга бўлишини, балки фан, тарих ва маданиятнинг турли соҳаларидаги махсус билимларни ҳам мукамал билишликни талаб этади. Чунки интертекстуаллик ҳодисасини фақат маълум бир муаллиф томонидан яратилган тайёр матнлардан олинган парчалар эмас, балки машҳур *ижтимоий-маданий, тарихий воқеалар, кинофильм, куй ва қўшиқ қисмлари* ҳам ташкил қилади. Бадиий асарларига халқ ҳаётига оид шундай воқеликлардан парча киритган муаллифнинг ўзи ҳам улардан етарлича бохабар бўлгани ҳолда, китобхон учун ҳам бадиий матнни янада ўқишли бўлишига, мазмуний идроки осонлашишига, шунингдек, маълум соҳадаги билимларини ёдга олишига ва кенгайишига сабабчи бўлади.

Биз бадиий матндаги интертекстуалликнинг вазифаларини муаллиф ва ўқувчи омилини инобатга олган ҳолда қуйидагича белгиладик:

*ахборот берувчи*, яъни маълум бир давр, матн, жараён ҳақида маълумот бера олиши;

*конструктивлик*, яъни бадиий матнни семантик ва структур жиҳатдан шакллантириш;

*йўналтирувчи*, яъни бадиий матнда интертекстуал элементларнинг мавжуд бўлиши ўқувчи учун унинг мазмуний перцепциясига йўл очиши;

*эстетик таъсир қилувчи*, яъни бадиий матнда ўзига таниш матн парчаларига дуч келиши китобхонни ундан оладиган эстетик завқини юқори бўлишини таъминлаши;

*миллий-маданий семаларни ташиши*, яъни маълум бир маданият, адабиётга оид билимларининг бойишига хизмат қилиш, таржима матнларнинг тушунилишига хизмат қилиш.

Диссертацияда бу вазифалар мисоллар ёрдамида батафсил очиб берилган.

Диссертациянинг “**Интертекстуал бирликларнинг тажрибавий таҳлили**” деб номланган учинчи боби бешта фаслдан иборат бўлиб, унда бадиий матн перцепциясида интертекстуалликнинг роли тажрибавий таҳлил асосида ёритилган. Интертекстуалликнинг ўзбек бадиий адабиётидаги фаол

учрайдиган аллюзия, сарлавҳа, эпиграф, иқтибос каби турлари қатнашган бадиий матнлар танлаб олиниб, улар асосида тажриба ўтказилди.

Учинчи бобнинг иккинчи фасли “Аллюзия” деб номланиб, унда мумтоз ва замонавий матнлардан олинган мисоллар асосида аллюзиянинг перцепциядаги ўрни тажриба натижалари асосида таҳлил қилинган. Алишер Навоийнинг “Бадоеъ ул-васат” девонига киритилган тўртинчи рубойи си сахийлик ва бахиллик ҳақида бўлиб, унда машхур ҳадислардан бирига ишора қилинади:

*Кирмагай жаннат ичра ҳеч бахил,  
Гарчи ул бўлса саййиди Қурайший.  
Бормагай дўзах ичра ҳеч сахий  
Филмасал бўлса бандаи ҳабаший<sup>25</sup>.*

Қитъада ҳадис мазмунини англашга ёрдам берувчи интертекстуал бирлик, яъни аллюзия мавжуд. Қурайший Пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.) мансуб бўлган қабиланинг номи. Бу аллюзия бевосита Пайғамбаримиз (с.а.в.) ва у билан боғлиқ ҳадисга ишора қилади. Агар сўз бирикмасига эътибор қиладиган бўлсак, қитъа мазмуни яна ҳам аниқлашади. Саййиди Қурайший, яъни Муҳаммад (с.а.в.) нинг умматлари, мусулмонлардир.

Тажриба иштирокчилари қитъани ўқиб чиққач, 30 дақиқа давомида матндан тушунганларини ёзма равишда баён қилишди. Тажриба асосида олинган ёзма баёнлардаги асосий жумлаларни қуйидаги жадвал асосида таҳлил қиламиз:

<b>Қурайший</b>				
<b>Умумий баёнлар</b>	<b>Интертекст асосидаги баёнлар</b>	<b>Интертекст баёни</b>	<b>Синоним асосидаги баён</b>	<b>Интертекст қатнашмаган баён</b>
<i>қурайший бўлса ҳам</i>	<i>бахил одам агар пайғамбаримиз мансуб бўлган қабиладан бўлса ҳам Жаннат юзини кўрмайди</i>	<i>қурайший - Пайғамбаримиз мансуб бўлган уруғ номи</i>	<i>гарчи у олим, уламо бўлса ҳам</i>	2
<i>саййидлардан бўлса ҳам</i>			<i>Қурайшийга ўхшаган</i>	

Иштирокчилардан икки нафари матнда келган Қурайший аллюзив номни **умумий** тарзда изоҳлаган, яъни матнда қандай ўқиган бўлса, шундай тушунган. Бири *ҳатто у Қурайший бўлса ҳам*, дея иккинчиси эса *саййидлардан бўлса ҳам бахил бўлса, жаннатга кира олмайди* деб қитъа матнига муносабат билдирган. Бу ўринда Саййиди Қурайший бирикмаси икки

<sup>25</sup> Навоий А. Мукамал асарлар тўплами. 20 томлик. 5-жилд. – Т.: Фан, 1990. – Б. 497.

реципиент томонидан алоҳида-алоҳида сўзлар сифатида тушунилган, унинг тагидаги асл маънога эса эътибор берилмаган. Фақатгина маълум бир сўзнинг шаклий томонига қараб фикр билдирилган, яъни реципиентда *саййиди Қурайший* бирикмасига нисбатан ассоциация деярли кузатилмаган. Бу, албатта, китобхоннинг билими, дунёқараши, тафаккури билан боғлиқдир.

Қитъадаги интертекстуал бирликни унинг умумий **мазмунига боғлаган** ҳолда тушунган иштирокчилар сони беш нафар бўлиб, улар бевосита матнни муаллиф назарда тутган маъно билан бир хил идрок қилган. Яъни *Саййиди Қурайший* бирикмасини пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.)нинг умматлари, мусулмон киши сифатида тушуниб, матннинг умумий мазмуни билан боғлай олган. Қитъаги антропоним машҳурлиги реципиентлар учун бадий матннинг мазмуний идрокида стимул вазифасини бажарган ва шу асосида унга нисбатан ассоциация ҳосил бўлган.

Бадий матндаги интертекст-аллюзияни тушунишнинг учинчи даражасини фақат **интертекстни изоҳлаш**, идрок қилиш деб белгиладик. Бу босқичда тажриба иштирокчилари матнни қайта баён қилишда интертекст ва матннинг умумий мазмунини боғламаган ҳолда фақат интертекстни изоҳлашга ҳаракат қилган. Уларнинг эътиборини матндаги интертекст жалб қилган ва матнни қайта баённи уни изоҳлаш билан бошлаган. *Қурайший* аллюзияси ўқувчи учун матнни тушунишга, мазмуний идрок қилишга йўналтирувчи вазифасини бажарган. Баёнларда **“Қурайший – Пайғамбаримиз(с.а.в.) мансуб бўлган уруғ номи”**, **“Қурайший – Пайғамбаримиз (с.а.в.)мансуб бўлган қабила номи”** деган изоҳлар алоҳида белгиланиб, ажратилиб кўрсатилган. Бундан хулоса қилиш мумкинки, матн перцепцияси жараёнида айрим реципиентлар ундаги аллюзив номларга диққат қилади ҳамда уларнинг онгида биринчи навбатда интертекст билан боғлиқ билимлари фаоллашади. Бу фаоллашган билимлар кўп ҳолларда матннинг умумий мазмуни билан уйғунлаштирилса, айрим ҳолларда ўқувчининг бутун эътибори интертекстда қолади, яъни уни матннинг умумий маъносига боғламаган ҳолда, алоҳида қабул қилади, тушунади.

Интертекстнинг матн билан идрок қилишнинг тўртинчи босқичи сифатида белгилаганимиз – аллюзив номни бир лексик birlik сифатида қабул қилиш ва уни бошқа *синонимларига алмаштирган ҳолда тушунилган* ҳолда берилган баёнлар ташкил этади. Тажриба иштирокчилари *саййиди Қурайший* аллюзиясини *олим, уламо, Қурайшийга ўхшаган* каби лексик birlikлар ва бирикмалар билан алмаштирган ҳамда матннинг баёни учун шу сўзлардан фойдаланган.

